

Nodir adabiyotlarning elektron nusxalari

Ибн Сино номли вилоят ахборот-кутубхона марказида янги электрон ресурслар ва маълумот базаларини яратиш бўйича диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Бу ерда бултур ўтган асрнинг 20-йилларида Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати томонидан нашр қилинган "Бухоро ахбори" газетасига оид маълумотлар базаси яратилди. Шунингдек, махсус дастур асосида йирик давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хужаев ҳаёти ва фаолиятига доир диск тайёрланди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўз ичига олган диск электрон сиёсий адабиётлар орасида алоҳида ўринга эга, — дейди марказнинг ахборот технологиялари бўлими мудир Иқбол Саидова. — Шунингдек, дастурчиларимиз томонидан буюк шарқшунос олим,

академик В. Бартольднинг 9 жилдли асарлар тўплами, дискининг яратилгани юртимиз тарихи, утмиш адабиёти ва маданияти масалалари билан шуғулланаётган тадқиқотчиларга, барча қизиқувчиларга катта қулайлик туғдирди.

60 дан зиёд мавзудаги дисклар орасида Бухоронинг сўнгги амири Саид

Олимхон кутубхонасида сақланган нодир китобларнинг электрон каталоги ғоят муҳим ахборот ресурси ҳисобланади. Чунки унда VII-XIX асрларга оид кўплаб қўлёзма китобларнинг таснифи келтирилган. Ахборот-кутубхона маркази китобхонлари бу ерда Россия, Германия, Англия ва бошқа мамлакатларда нашр қилинаётган қатор илмий-оммавий, ҳуқуқий журналлар ва китобларнинг электрон нусхалари билан ҳам танишишлари мумкин.

А. ХАЛИЛОВ.



Китоб — ақл чироғи.

Сурат-лаёҳа.